



## 2-қисм

### Эр танлаш

**САВОЛ:** Турмуш ўртоқ танлашда ёш аёллар нималарга кўпроқ эътибор беришлари керак? Агар аёл бирортасига дунёвий сабаблар туфайли рад жавобини берса, Аллоҳнинг жазосига йўлиқадими?

**Жавоб:** Аёл киши турмуш ўртоқ танлашида катта аҳамият бериши керак бўлган энг муҳим сифатлар хулқ ва эътиқоддир. Бойлик ва насаб каби дунёвий сифатлар иккинчи даражали бўлиши керак. Энг муҳими, совчи қўйган киши тўғри ва мустаҳкам эътиқодли ҳамда гўзал хулқли киши бўлсин. Гўзал хулқли киши хотинига ҳеч ҳам ёмонлик қилмайди. У аёли билан тинч-тотув яхши ҳаёт кечиради, ёки энг тўғри йўл билан аёлининг эркин бўлишига рухсат беради (яъни, аёлга ҳеч қандай зарар бермаган ва кўнглини оғритмаган ҳолда у билан ажрашади). Гўзал хулқли ва динда мустаҳкам киши аёлига ва болаларига кўп марҳаматли бўлади. Аёл ундан динни ва хулқни ўрганиши мумкин. Агар совчида бундай хусусиятлар топилмаса, яъни намозларга эътиборсиз бўлса ёки спиртли ичимликлар ичиши аниқланса, аёл бундай кишидан узоқроқ бўлгани маъқул. Аллоҳ таоло бизни бундан сақласин! Агар у ҳеч намоз ўқимайдиган бўлса, демак у кофир ҳисобланади. Муслима аёллар улар учун ва улар муслима аёллар учун ҳалол эмас.

Айтиб ўтганимиздек эътибор берилиши керак бўлган энг муҳим нарса, совчи юборган кишининг тўғри эътиқодли ва гўзал хулқли киши эканлигидир. Агар у киши обрўли, тоза наслдан бўлса, бу яна ҳам яхшироқдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси муборакларига тўғри келади: «Агар совчи юборган кишининг дини ва



## Ислом Нури

хулқи сизга ёқса унга (қиз-жувонларингизни) турмушга узатинг».

Агар унинг бошқа ҳолатлари ҳам кўнгилдагидек бўлса бу яна ҳам яхшироқдир.

Шайх ибн Усаймин

### қариндош билан турмуш қурмаган афзал

**САВОЛ:** Бир қариндошимиз менга совчи юборибди. Эшитишимча қариндош бўлмаган ёки узоқ қариндошлар билан турмуш қуриш бўлажак фарзандлар ва бошқа сабабларга кўра афзалроқ. Бунга сизнинг фикрингиз қандай?

**Жавоб:** Бу хусусда жуда кўп олимлар тўхталганлар. Улар ҳам бунинг генлар ва хилқатдаги аломатлар ота-онадан болага ўтишига таъсири бор деган гапни урғулайдилар.

Кишининг жисмоний ва психологик шаклланишида генларнинг таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Қариндош билан турмуш қурмаган афзалроқ. Бу ҳақда кўп олимлар тўхталганлар. Улар ҳам бунинг генлар ва хилқатдаги аломатлар ота-онадан болага ўтишига таъсири бор деган гапни урғулайдилар. Кишининг жисмоний ва психологик шаклланишида генларнинг таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

“Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: “Хотиним қора бола туғди”, – деди. (У бу боланинг ўзидан



## Ислом Нури

бўлганига шубҳа қилган эди.). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: “Туяларинг борми?” деб сўрадилар. У: “Ҳа”-деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уларнинг ранглари қанақа?”- деб сўрадилар. У: “қизил”,- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам; “Уларнинг орасида қорамтирлари ҳам борми?”,- деб сўрадилар. У: “Ҳа”- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Нега шундай бўлиб қолди?” -деб сўрадилар. У киши: “Балки аслига тортгандир (яъни, уруғ-аждодидан биронтасининг ранги ўтгандир)”- деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Унда, балки ўғлинг ҳам аслига тортгандир”- дедилар. Бухорий ривояти.

Бу генлар таъсир кўрсатишига ёрқин далилдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёл кишига 4 сабабдан бири туфайли уйланилади: Бойлиги, насаби, ҳусни ёки дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишга ҳаракат қил, барака топгур”-деганлар. Имом Бухорий ривояти.

Шунинг учун эътибор бериладиган энг муҳим нарса унинг динидир. Динида мустаҳкам бўлиш билан бирга ҳуснда ҳам чиройли бўлса нурун ало нур. Унинг яқин ёки узоқ қариндош ёки бегона бўлишининг аҳамияти йўқ. Диндор аёл эрининг бойлигини (молини), болаларини, уйини ва ўз иффатига омонатдордир. Ҳусн эркакнинг эҳтиёжини қондиради ва кўзини ҳаромдан тўсади.

Аллоҳ билувчирокдир.

Шайх ибн Усаймин





## Ислом Нури

.....) ...))))))

“Мунофиқлар учун энг қийин бўлган намозлар хуфтон билан бомдод намозларидир. Агар улар бу икки намоздаги (ажр ва раҳмат) ларни билганларида эди, эмаклаб бўлса ҳам, келган бўлардилар». Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: “Бизнинг давримизда машҳур мунофиқлардан бошқа ҳеч ким жамоат намозига кеч қолиб, оҳирги сафда турмас эди». Муслим ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

.....  
.....  
.....  
.....))

“Биз билан уларнинг ўртасидаги ягона ҳужжат намоздир. Ким уни тарк қилса куфр келтирибди». Имом Аҳмад ва Термизий ривояти.

.....  
.....  
.....))

Абу Суфён айтади, Жобирдан эшитдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мусулмон билан кофир ва мушрик ўртасида намозни тарк қилиш бор». Имом Муслим ривояти.

Шайх ибн Боз